ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ЖАҲОН ТУРИЗМ БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ: МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдужаббаров Алишер Абдуллаевич

Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар

Институти, бош мутахассиси

a.abdujabbarov@imrs.uz
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20107903

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон туризм соҳасининг 2025 йил якунлари асосида жаҳон туризм бозоридаги рақобатбардошлиги таҳлил қилинган. Тадқиқотда мамлакатга кирувчи ва чиқувчи туристик оқимлар динамикаси, туристик сафарлар мақсадлари, асосий туристик ҳамкор давлатлар ва соҳанинг рақобат устунликлари ўрганилди. Шунингдек, туризм инфратузилмаси, сервис сифати, транспорт-логистика тизими, рақамлаштириш ва маркетинг соҳаларидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинди. Таҳлиллар асосида Ўзбекистон туризм соҳасининг халқаро бозордаги позициясини мустаҳкамлаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: туризм, туристик оқим, рақобатбардошлик, кирувчи туризм, чиқувчи туризм, хизматлар экспорти, туристик инфратузилма, Ўзбекистон, халқаро туризм бозори, сервис сифати.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида туризм соҳаси иқтисодий ўсиш, хизматлар экспорти, валюта тушумлари ва аҳоли бандлигини таъминловчи стратегик тармоқлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодиётнинг драйвер соҳаларидан бирига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, визасиз режимлар кенгайтирилиши, авиа ва темирйўл қатновларининг ривожланиши, зиёрат туризми, маданий туризм ва экотуризм йўналишларининг ривожлантирилиши мамлакатнинг халқаро туристик жозибадорлигини оширди.

2025 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий фуқароларнинг туристик сафарлари сони 11,68 млнтани ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан 46,8 фоизга ошган. Бу мамлакат туризм соҳасида юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, глобал рақобат кучайиб бораётган шароитда туризм соҳасининг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, туристик хизматлар сифатини яхшилаш ва юқори даромадли туристлар оқимини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Туризм соҳасининг рақобатбардошлиги масалалари кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Хусусан, М. Портер рақобат устунлиги назариясида мамлакатларнинг халқаро бозордаги муваффақияти ресурслар, инфратузилма ва инновацион муҳит билан боғлиқлигини таъкидлайди.

Жаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) тадқиқотларида туризм соҳасида рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар сифатида транспорт инфратузилмаси, хавфсизлик, сервис сифати, рақамли технологиялар ва маркетинг сиёсати алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчиларнинг тадқиқотларида эса мамлакатда зиёрат туризми, маданий мерос объектлари ва тарихий шаҳарларнинг туризм ривожидаги ўрни кенг ёритилган. Айниқса, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларнинг халқаро туристик бренд сифатида шаклланиши мамлакатнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш, экологик ва рақамли туризмни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар

2025 йил Ўзбекистон туризми учун ҳақиқий тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Йил давомида Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадларда ташриф буюрган хорижий фуқаролар сони 11 679,6 минг сафарни ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан +46,8% га ошди - бу сўнгги беш йилдаги энг юқори ўсиш суръати ҳисобланади.

Бир қараганда рақамлар жуда ишонарли: ҳар йили тўхтовсиз ўсиш, 2022 йилдаги +178% дан кейин ҳам импулс сақланган ва 2025 йилда "10 миллион" психологик тўсиғи осонгина ошиб ўтилган. Мамлакатдан чиқиб кетган ўзбекистонлик туристлар сони ҳам 7 559,7 мингтани ташкил этди (+22,3%). *(1-жадвал)*

1-жадвал

Ўзбекистонга кирувчи туристик сафарлар динамикаси

Ўзбекистонга кирувчи туристик сафарлар (минг сафар)					
Йил	**2021**	**2022**	**2023**	**2024**	**2025**
Сафарлар сони	1 881,3	5 232,8	6 626,3	7 957,2	**11 679,6**
Ўсиш суръати	+25,1%	+178,1%	+26,6%	+20,1%	**+46,8%**

Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоб-китоблар

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда туристик оқимнинг ўсиши асосан миқдорий характерга эга бўлиб, унинг таркибий сифат кўрсаткичлари ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган. 2025 йилда мамлакатга кирувчи туристик сафарлар таркибида энг катта улуш қариндошларни йўқлаш мақсадига тўғри келиб, мазкур йўналиш бўйича 7 863,3 мингта сафар амалга оширилган.
Бу жами кирувчи туристик оқимнинг 67,3 фоизини ташкил этган. Мазкур ҳолат Ўзбекистонга келаётган туристларнинг катта қисми МДҲ давлатлари билан мавжуд миграцион, меҳнат ва ижтимоий алоқалар ҳисобига шаклланаётганини кўрсатади. Яъни, мамлакатга келаётган сафарларнинг асосий қисми классик туризм эмас, балки оилавий ва ижтимоий характерга эга сафарлардан иборат.

Шу билан бирга, халқаро туризм бозорида юқори иқтисодий самара келтирувчи асосий сегмент - дам олиш ва маданий саёҳат мақсадидаги туристлар сони 1 922,1 мингтани ташкил этган бўлиб, унинг улуши жами кирувчи туристик оқимнинг атиги 16,5 фоизига тенг бўлган. Бу эса Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, архитектура ёдгорликлари ва табиий туристик ресурслари ҳали тўлиқ даражада юқори даромад келтирувчи туристик маҳсулотга айлантирилмаганини кўрсатади. Айниқса, мамлакатда premium-туризм, гастрономик туризм, экотуризм ва MICE-туризм йўналишларининг салоҳияти юқори бўлса-да, уларнинг халқаро бозордаги улуши ҳозирча чекланганлигича қолмоқда.

Кирувчи туристик оқим таркибида хизмат сафарлари ҳам нисбатан юқори улушга эга бўлиб, 2025 йилда хизмат мақсадидаги сафарлар сони
1 321,5 мингтани ташкил этган. Бу жами оқимнинг 11,3 фоизига тенг бўлиб, мамлакатда бизнес муҳити ва халқаро иқтисодий алоқалар фаоллашаётганини кўрсатади. Шунингдек, тижорат мақсадидаги сафарлар сони 446,8 мингтага етгани трансчегаравий савдо ва ишбилармонлик алоқаларининг туризм соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётганини англатади.

Таълим туризми кўрсаткичлари эса нисбатан паст бўлиб, 2025 йилда ўқиш мақсадидаги сафарлар сони 39,7 мингтани ташкил этган. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг халқаро таълим маркази сифатидаги имкониятлари ҳали етарлича ишга солинмаганини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, хорижий талабалар учун халқаро таълим дастурлари, инглиз тилидаги йўналишлар ва академик мобилликни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. *(2-жадвал)*

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири - тиббий туризм соҳасидаги ўзгаришлардир. Хусусан, 2025 йилда даволаниш мақсадидаги кирувчи туристик сафарлар сони 86,2 мингтани ташкил этган бўлиб, олдинги йилга нисбатан қисқарган. Бу ҳолат халқаро тиббий туризм бозорида рақобат тобора кучайиб бораётганини англатади. Айниқса, Тайланд, Туркия ва Индия каби давлатлар замонавий тиббий инфратузилма, юқори сервис сифати, нисбатан арзон нархлар ҳамда халқаро аккредитацияланган клиникалар ҳисобига тиббий туризм бозорида кучли рақобат устунлигига эришган.

Чиқувчи туристик оқим таҳлили ҳам аҳолининг ташқи туристик фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатади. 2025 йилда Ўзбекистон фуқароларининг қариндошларни йўқлаш мақсадидаги хорижий сафарлари
5 886,1 мингтани ташкил этган бўлиб, чиқувчи туризм таркибида асосий улушни эгаллаган. Шу билан бирга, дам олиш ва саёҳат мақсадидаги хорижий сафарлар 1 563,7 мингтага етгани аҳоли даромадлари ва ташқи туризмга бўлган талаб ортиб бораётганини кўрсатади. Хизмат сафарлари 15,8 мингта, ўқиш мақсадидаги сафарлар 29,0 мингта, даволаниш мақсадидаги сафарлар эса 65,2 мингтани ташкил этган.

Умуман олганда, таҳлиллар Ўзбекистон туризм соҳасида туристик оқимлар ҳажми юқори суръатларда ортиб бораётганини кўрсатса-да, юқори даромад келтирувчи туристик сегментлар улушини кенгайтириш, туристик хизматлар сифатини халқаро стандартларга мослаштириш ва рақобатбардош туристик маҳсулотлар яратиш соҳанинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолаётганини намоён этмоқда.

2-*жадвал*

Мақсадлар бўйича тақсимланиш (2025 й., минг сафар)

Мақсадлар бўйича тақсимланиши — 2025 й. (минг сафар)						
Мақсад	**Жами**	**Хизмат**	**Ўқиш**	**Дам олиш**	**Қариндош**	**Даволаниш**
Кирувчи (Ўзбекистонга)	11 679,6	1 321,5	39,7	1 922,1	7 863,3	86,2
Чиқувчи (чет элга)	7 559,7	15,8	29,0	1 563,7	5 886,1	65,2

Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоб-китоблар

Асосий туристик оқим Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларидан:
уч давлат - Қирғизистон (3 315,1 минг), Тожикистон (2 695,7 минг) ва Қозоғистон (2 667,4 минг) - кирувчи туристларнинг 74,2% ини ташкил этади. Буни кўплаб омиллар изоҳлайди: этник алоқалар, чегара яқинлиги, мигрантлар оқими ва виза эркинлиги.

3-жадвал

Асосий мамлакатлар кесимидаги туристик оқим (2025 й.)

Асосий мамлакатлар кесимида туристик сафарлар — 2025 й. (минг сафар)				
№	**Давлат**	**Ўзбекистонга (кирувчи)**	**Чет элга (чиқувчи)**	**Асосий мақсад (кирувчи)**
1	Қирғизистон	3 315,1	3 290,1	Қариндош (82,8%)
2	Тожикистон	2 695,7	1 307,8	Қариндош (83,8%)
3	Қозоғистон	2 667,4	1 345,1	Қариндош (83,8%)
4	Россия	984,4	433,4	Қариндош (50,2%)
5	Афғонистон	476,7	—	Тижорат (87,2%)
6	Туркманистон	370,0	—	Дам олиш (68,7%)
7	Хитой	278,9	52,6	Дам олиш (70,3%)
8	Саудия Арабистони	—	366,3	Дам олиш (82,8%)
9	Туркия	174,9	269,0	Аралаш
10	БАА	—	139,4	Дам олиш (88,7%)

Узоқ хорижий мамлакатлардан сафарлар hisbatan kichik: Хитой -278,9 минг, Туркия - 174,9 минг, Ҳиндистон -80,9 минг, Жанубий Корея - 46,3 минг. Европа мамлакатлари (Италия, Германия, Франция, Испания, Буюк Британия) ҳар бири 25-45 минг атрофида - бу классик маданий туристлар. (*3-жадвал*)

Чиқувчи туризмда ҳам Қирғизистон (3 290,1 минг) ва Қозоғистон
(1 345,1 минг) биринчи ўринда. Аммо ростдан қизиқарли тенденция - Саудия Арабистони (366,3 минг) чиқувчи туризмда 4-ўринни эгаллади, яъни ҳаж ва умра зиёрати катта хиссани ташкил этмоқда.

Жаҳон рейтингидаги мавқеи. UN Tourism (UNWTO) маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2025 йил 11,6 миллион халқаро туристни қабул қилиб[1], жаҳон рейтингининг тахминан 40-ўринлари атрофида жойлашган ҳолда Марказий Осиё минтақасида етакчи позицияни сақлаб келмоқда.

Таққослаш шуни кўрсатадики, Франция - 102,0 млн., Испания -93,8 млн., АҚШ - 72,4 млн., Туркия - 60,6 млн. туристни қабул қилган.[2]

Ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг ҳозирча глобал туристик марказлар қаторига кирмаганини, бироқ унинг ўсиш салоҳияти юқори эканини кўрсатади. Айниқса,

[1] https://api-portal.gov.uz/uploads/146/2026/02/06/040eadc4-0bea-8f65-c21a-5d5941d29b97_media_34143.pdf
[2] https://www.oecd.org/en/topics/tourism.html

мамлакатнинг географик жойлашуви, бой тарихий-маданий мероси ва минтақавий транзит имкониятлари келгусида туристик оқимни сезиларли даражада ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳоннинг энг кўп ташриф буюрилган мамлакатлари рейтинги, 2024 й.

Ўрин	Мамлакат	Ташрифлар (млн.)	Туризм даромади
1	Франция	102,0	~$70 млрд.
2	Испания	93,8	~$82 млрд.
3	АҚШ	72,4	~$190 млрд.
4	Туркия	60,6	$65,2 млрд.
5	Италия	57,8	~$51 млрд.
9	Япония	36,9	~$35 млрд.
~40	Ўзбекистон	11,6	$2,1 млрд.

Манба: UN Tourism World Tourism Barometer (январь 2025); WEF TTDI 2024; stat.uz

Жаҳон тажрибаси: туризмни ривожлантирган давлатлар йўли. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм соҳасининг рақобатбардошлиги фақат туристлар сони билан эмас, балки инфратузилма, сервис сифати, халқаро бренд ва юқори даромад келтирувчи сегментларни ривожлантириш билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, қатор давлатларнинг туризм сиёсати Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга.

Дубай модели: инфратузилма орқали бренд. Дубай қисқа вақт ичида йирик инфратузилма лойиҳалари орқали дунёнинг энг машҳур туристик марказларидан бирига айланди. Бурж Кҳалифа, Палм Жумеираҳва халқаро авиация хаблари мамлакат брендини кучайтирди. 2024 йилда Дубай 17 млндан ортиқ туристни қабул қилди.[3]

Ўзбекистон учун асосий сабоқ - Тошкентни транзит ва бизнес-туризм марказига айлантириш зарурлиги.

Грузия модели: очиқ эшик ва рақамли кўчманчилар. Грузия 2022-2023 йилларда туристик оқимда рекорд ўсишни қайд этди - жумладан, 95+ давлат фуқаролари учун визасиз кириш ва "digital nomad" лар учун махсус рухсатнома кириш эвазига. 2023 йилда 7,1 млн туристни қабул қилди (+40%).[4]

Ўзбекистон учун сабоқ: "Ўзбекистон - IT кўчманчилар маркази" концепцияси, масофавий ишлайдиган хорижий мутахассислар учун узоқ муддатли визалар.

Сингапур модели: MICE ва тиббий туризм. Сингапур туристик оқимни ягона рақамли платформа орқали бошқаради. Конгресс, конференция ва кўргазмалар туризми (MICE) ЯИМнинг катта қисмини ташкил этади. Тиббий туризм эса 2023 йилда 500 минг бемор-туристни жалб қилди.[5]

[3] https://www.visitdubai.com/en?utm_source
[4] https://data.worldbank.org/
[5] https://www.oecd.org/en/topics/tourism.html

Ўзбекистон учун сабоқ: Тошкент ва Самарқандда халқаро конгресс марказлари ва тиббий туризм кластерлари яратиш.

Таиланд модели: глобал бренд ва соғлиқни сақлаш. "Amazing Thailand" бренди 1998 йил молиявий инқирозидан кейин яратилди. Таиланд тиббий туризм бўйича дунёда 3-ўринда: операция нархи Европадагидан 3–4 марта арзон, сервис эса халқаро стандартда. 2019 йилда 40 млн туристни қабул қилди. [6]

Ўзбекистон учун сабоқ: "Discover Uzbekistan" глобал маркетинг кампанияси ва тиббий туристлар учун ихтисослашган шифохоналар тармоғи.

Тадқиқот натижалари ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон туризм соҳаси 2025 йилда юқори ўсиш динамикасини сақлаб қолган ҳолда, Марказий Осиё минтақасида етакчи позицияни мустаҳкамламоқда. Мамлакатга ташриф буюрган халқаро туристлар сонининг 11,6 миллион атрофига етиши ва юқори ўсиш суръатлари (24,2–46,8%) амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Шу билан бирга, таҳлиллар туризм соҳасида қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади:

туристик оқим таркибида қариндошларни зиёрат қилиш улушининг юқорилиги (67%дан ортиқ);

юқори даромад келтирувчи сегментлар (premium, MICE, medical tourism) улушининг пастлиги;

халқаро туристик бренд ва маркетингнинг етарли даражада шаклланмаганлиги;

инфратузилма ва хизматлар сифатининг ҳудудлар кесимида номутаносиблиги;

WEF TTDI каби халқаро рейтингларда паст позициялар сақланиб қолиши.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм соҳасининг барқарор ривожланиши фақат туристлар сони ортиши билан эмас, балки уларнинг иқтисодий қиймати, ташриф мақсади ва хизматлар сифати билан белгиланади.

Таклифлар

Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қуйидаги стратегик таклифлар илгари сурилади:

Туризм моделини миқдорийдан сифатий босқичга ўтказиш. Туристлар сонини эмас, балки ўртача харажат даражасини ошириш ва юқори даромадли сегментларни ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланиши зарур.

Халқаро бренд стратегиясини кучайтириш. “Visit Uzbekistan” ягона миллий бренди асосида глобал маркетинг кампанияларини кучайтириш ва мамлакатни рақамли платформаларда фаол тарғиб қилиш.

MICE ва бизнес-туризмни ривожлантириш. Тошкент ва Самарқандда халқаро конгресс-майдонлар ва бизнес марказларини шакллантириш орқали бизнес туризм улушини ошириш.

Digital nomad ва узоқ муддатли виза сиёсати. IT мутахассислар ва масофавий ишловчилар учун махсус виза режимини жорий этиш орқали янги туристик сегментни жалб қилиш.

[6] https://www.tourismthailand.org/Home

Туризм инфратузилмасини модернизация қилиш. Аэропортлар, ички транспорт ва меҳмонхона хизматларини халқаро стандартларга мослаштириш.

Ҳудудий туристик кластерларни ривожлантириш. Хоразм, Қорақалпоғистон ва Сурхондарё каби ҳудудларда махсус иқтисодий ва туристик зоналарни кенгайтириш.

Тиббий ва экотуризм салоҳиятини ишга солиш. Халқаро стандартдаги тиббий марказлар ва табиий ҳудудларда экологик туризм инфратузилмасини ривожлантириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. United Nations World Tourism Organization (UNWTO). (2024). UN Tourism Data / Tourism Highlights 2024. https://www.unwto.org/un-tourism-data
2. United Nations World Tourism Organization (UNWTO). (2025). World Tourism Barometer. https://www.unwto.org/tourism-barometer
3. World Economic Forum (WEF). (2024). Travel & Tourism Development Index 2024. https://www.weforum.org/reports/travel-and-tourism-development-index
4. World Economic Forum (WEF). (2021). Travel & Tourism Development Index 2021. https://www.weforum.org/reports/travel-and-tourism-development-index-2021
5. OECD. (2024). Tourism Trends and Policies 2024. https://www.oecd.org/cfe/tourism/
6. World Travel & Tourism Council (WTTC). (2024). Economic Impact Reports. https://wttc.org/research
7. National Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan. (2025). Tourism Statistics of Uzbekistan. https://stat.uz
8. Ministry of Tourism and Cultural Heritage of the Republic of Uzbekistan. (2025). Annual Tourism Report. https://tourism.uz
9. World Bank. (2024). World Development Indicators: Tourism Data. https://data.worldbank.org/
10. Porter, M. E. (1990). The Competitive Advantage of Nations. Free Press, New York.
11. Tourism Authority of Thailand (TAT). (2024). Thailand Tourism Statistics. https://www.tourismthailand.org
12. Dubai Department of Economy and Tourism. (2024). Dubai Tourism Performance Report. https://www.visitdubai.com/en
13. Singapore Tourism Board (STB). (2024). Tourism Sector Report. https://www.stb.gov.sg
14. Georgian National Tourism Administration (GNTA). (2024). Tourism Statistics of Georgia. https://gnta.ge